2008 йил, 12 сентябрь, жума

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 180 (11.241)

Баҳоси эркин нархда

## ЎЗБЕКИСТОН — ОЗАРБОЙЖОН:

# ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 11 СЕНТЯБРЬ КУНИ РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН ОЗАРБОЙЖОН РЕСПУБЛИКАСИГА КЕЛДИ.

**Боку, 11 сентябрь. ЎзА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади.**

«Загульба» қароргоҳида олий мартабали меҳмонни расмий кутиб олиш маросими бўлди. Давлатимиз раҳбари шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Озарбойжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев шоҳсупага кўтарилдилар. Икки мамлакатнинг давлат мадҳиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Ислом Каримов ва Илҳом Алиевнинг яккама-якка суҳбати бўлиб ўтди.

Ислом Каримов халқларимизнинг азалий дўстлиги, урф-одатлари ва маданияти яқинлиги, қадриятлари умумий эканлиги, тили ва дини бирлиги ўзаро ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш учун катта имкониятлар яратишини таъкидлади. Ушбу ташриф асносида Ўзбекистон-Озарбойжон муносабатларини янги босқичга олиб чиқишга хизмат қиладиган ўзаро манфаатли кўплаб келишувларга эришилишига ишонч билдирди.

Илҳом Алиев Ўзбекистон раҳбарини Бокуда қутлашдан мамнуният билдириб, бугунги музокаралар 2004 йилда Тошкентда бўлиб ўтган олий даражадаги учрашувнинг мантиқий давоми эканини, Озарбойжон томони ушбу ташрифга муҳим аҳамият беришини таъкидлади.

Мулоқот чоғида томонлар Ўзбекистон — Озарбойжон муносабатларининг ҳозирги аҳволи ва истиқболи, томонларни қизиқтирган қатор халқаро ва минтақавий муаммолар юзасидан фикр алмашдилар. Муҳокама этилган масалалар юзасидан томонларнинг нуқтаи назари ўхшаш ва яқин эканлиги қайд этилди. Икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш борасида Ўзбекистон ва Озарбойжоннинг мақсад ва интилишлари муштарак, сиёсий масалаларда эса мамлакатларимиз кўп жиҳатдан ҳамфикр ва ҳамкордир.

Президентлар хавфсизлик муаммоларига алоҳида эътибор қаратдилар. Халқаро терроризм ва экстремизм, наркотрафик, уюшган трансмиллий жиноятчилик каби иллатларга қарши ҳамкорликда курашишга оид масалаларни атрофлича муҳокама қилдилар.

Ўзбекистон ва Озарбойжон Президентлари иштирокида икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокараси бўлиб ўтди. Унда савдо-иқтисодий, сармоявий, илмий-техникавий, гуманитар соҳаларда Ўзбекистон — Озарбойжон ҳамкорлигига доир қатор долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Музокараларда таъкидланганидек, иқтисодий ҳамкорлик кўрсаткичларини икки мамлакатнинг имконият ва салоҳияти даражасида, деб бўлмайди. 2007 йил якунларига кўра, Ўзбекистон билан Озарбойжон ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 60,4 миллион АҚШ долларини ташкил этган. Ўзбекистонда озарбойжонлик шериклар билан тузилган 21 қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон ва Озарбойжон ишбилармон доираларининг бевосита алоқаларини ривожлантириш, сармоявий ҳамкорлик кўламини кенгайтириш орқали савдо-иқтисодий алоқалар кўламини бундан бир неча ҳисса орттириш мумкин. Бунда Икки томонлама ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Озарбойжон ҳукуматлараро қўшма комиссиясининг фаоллигини ошириш, икки мамлакатда бизнес-форумлар, Ўзбекистон ва Озарбойжоннинг иқтисодий салоҳиятига доир тақдимотлар, кўргазма ва бошқа тадбирлар ўтказиш муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, ишга солинмаётган ва янги имкониятларни топиш, ҳамкорлик кўламини янада кенгайтириш, икки томонлама манфаатли лойиҳалар ишлаб чиқиш мумкин. Иқтисодий форумлар эса янги шартномалар тузиш баробарида бизнес доиралари учун икки мамлакатнинг имкониятлари ҳақида янги маълумотлар беришга хизмат қилади.

Айни пайтда банк-молия секторидаги алоқаларни фаоллаштириш, икки мамлакатнинг экспортбоп товар ва хизматлари рўйхатини тубдан қайта кўриб чиқиш зарур. Бу ишбилармонлар мулоқотини ривожлантиришнинг яна бир муҳим воситасидир.

Ўзбекистон Озарбойжонга машина ва ускуналар, озиқ-овқат, кимё саноати маҳсулотлари, рангли ва қора металлар, энергия манбалари ва хизматлар экспорт қилади. Озарбойжоннинг Ўзбекистонга экспорти ускуналар, кимё саноати маҳсулотлари, хизматлардан иборат. Лекин, таъкидланганидек, бу чегара эмас. Масалан, Озарбойжонни Ўзбекистоннинг самолётсозлик ва автомобилсозлик саноати қизиқтиради. Бундан ташқари, Ўзбекистон нефть-газ ва металлургия саноати соҳасида Озарбойжон билан самарали ҳамкорлик қилиши мумкин. Умуман, қўшма корхоналар тузиш орқали икки томонга ҳам фойда берадиган соҳалар кўп. Мисол тариқасида Бокуда трактор йиғувчи корхона очиш мумкин. Бунинг учун ҳуқуқий асослар етарли, икки мамлакатда ҳам яхши сармоявий муҳит яратилган, ишбилармонлар ҳамкорлигини рағбатлантириш механизмлари ишлаб чиқилган. Шунингдек, Ўзбекистон ва Озарбойжон пахтачилик ва ипакчилик борасида катта тажрибага эгалигини инобатга олиб, тўқимачилик саноати соҳасида улкан имкониятлар заҳирасини ишга солиш мумкинлигини таъкидлаш жоиз.

Яна бир соҳа — транспорт коммуникациялари. Бу йўналиш ўзаро муносабатларда муҳим ўрин тутади. Икки мамлакатга қарашли юкларни ташиш баробарида транзит хизматидан ҳам яхши даромад олиш мумкин. Демак, Ўзбекистон ва Озарбойжоннинг ўзаро мувофиқлаштирилган транспорт сиёсати юритиши икки томон учун ҳам жуда фойдали бўлиши шубҳасиз.

Музокарада гуманитар ҳамкорлик масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбек ва озарбойжон халқларининг адабий мероси умумий, маданият ва санъати муштаракдир. Озарбойжонда Навоий ёхуд Бобур, Ўзбекистонда Низомий ёки Фузулий асарларини ўқимаган кишини топиш қийин. Икки халқ бу жиҳатдан ҳам бир-бирига катта ҳурмат-эҳтиром билан қарайди.

Мамлакатимизда 2003 йилдан Озарбойжон маданият марказлари уюшмаси фаолият кўрсатмоқда.

Озарбойжон Президенти Илҳом Алиевнинг 2004 йил март ойида Ўзбекистонга давлат ташрифи асносида пойтахтимизнинг энг сўлим масканларидан бири – Бобур боғи ва Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети туташган майдонда Низомий ҳайкали очилгани ҳам диққатга сазовордир. Президент Ислом Каримов бу ёдгорликни «қардош озарбойжон халқига, унинг кўҳна тарихи ва маданиятига, асрлар синовидан ўтиб келаётган сўнмас руҳи, ирода ва матонатига, унинг ёруғ келажагига бўлган ҳурмат ва ишончимизнинг рамзи», деб атаган эди.

Ўзбекистон ва Озарбойжон вакиллари икки мамлакатда ўтадиган турли маданият ва санъат фестивалларида, форум ва кўргазмаларда мунтазам иштирок этиб келадилар. Жумладан, Озарбойжон санъаткорлари ҳар икки йилда Самарқандда ўтказиладиган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг доимий ва фаол қатнашчилари бўлиб, унда бир неча бор совринли ўринларни эгаллаганлар.

Музокарада халқларимизнинг маънавий яқинлигини инобатга олиб, қўшма маданий тадбирларни кўпайтириш, айни пайтда сайёҳлик, спорт, таълим, илм-фан, соғлиқни сақлаш ва қатор бошқа соҳаларда ўзаро алоқаларни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Музокаралар якунида Ўзбекистон билан Озарбойжон ўртасида солиқ соҳасида ҳамкорлик ва ахборот алмашиш, махфий ахборотни ўзаро ҳимоя қилиш, гуманитар ҳамкорлик, савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари, темир йўл транспорти соҳасидаги ҳамкорлик ва комбинациялашган ташувларни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ҳукуматлараро битимлар, шунингдек, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда ахборот ва коммуникация технологиялари соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги идоралараро битимлар имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Президентлар бугунги суҳбатлар ўзаро ишонч ва ҳурмат руҳида ўтганини, ҳамкорликни ривожлантиришга доир кенг қамровли масалалар муҳокама этилганини, уларнинг барчаси юзасидан фикрлар бир жойдан чиққанини таъкидладилар. Музокара якунида имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон ва Озарбойжоннинг узоқ муддатли манфаатларига, икки мамлакатни ривожлантириш ва халқларимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилишини қайд этдилар.

— Бугунги музокараларда икки томонлама муносабатларга доир ҳамда халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашдик, — деди Ислом Каримов. — Муҳокама этилган масалалар юзасидан фикримиз бир жойдан чиққанини алоҳида таъкидламоқчиман. Ўзбекистон Озарбойжон билан узоқ муддатли, ўзаро фойдали ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор.

– Ислом Каримовнинг ушбу ташрифи ривожланиб бораётган Озарбойжон — Ўзбекистон муносабатларидаги муҳим босқичдир, – деди Илҳом Алиев. – Бизни тарихий, маданий муштараклик, анъанавий дўстлик ва мустақиллик йилларидаги яқин ҳамкорлик бирлаштириб туради. Озарбойжон билан Ўзбекистоннинг интеграцияси нафақат икки мамлакат, балки Марказий Осиё, Кавказ, Каспийбўйи минтақалари учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон раҳбарининг Озарбойжонга ташрифи мамлакатларимиз ва халқларимиз дўстлигининг яна бир ёрқин далили бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Озарбойжон Республикасига расмий ташрифи давом этмоқда.

**(ЎзА)**

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

**ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ЮКСАК УНУМЛИ ХОРИЖИЙ ДАСТГОҲ ВА УСКУНАЛАР ҚУВВАТИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНГАН ҲОЛДА БУГУНГИ БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА ЎЗ ИСТИҚБОЛИ ЙЎЛИДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАН КОРХОНАЛАР СИФАТЛИ, РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТ ТАЙЁРЛАШГА КАТТА ЭЪТИБОР ҚАРАТАДИ. АЛБАТТА, БУ БОРАДА МАЛАКАЛИ КАДРЛАРНИНГ ҲИССАЛАРИ САЛМОҚЛИ.**



*Қўшма корхоналарда*

## БУЮРТМАЛАР КЎПАЙМОҚДА

Пойтахтимизда 2000 йилдан фаолият юритаётган масъулиятти чекланган жамият шаклидаги «VISO» қўшма корхонаси жамоаси ҳам харидор талаби ва дидини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқараётган маҳсулотининг бозори чаққон. Ҳозирда фақат сифатли хом ашёдан малакали ишчи-хизматчиларнинг изланишлари ва баракали меҳнатлари эвазига тайёрлаётган пойабзал моделларининг тури 90 хилдан ортиб кетди.

— Кейинги йилларда ишлаб чиқариш ҳажмини бирмунча ошириш мақсадида модельерларимиз тинмай изланишда, ижодий меҳнат қилишмоқда, — дейди корхонанинг бош директори Рустамбек Раҳматқориев, — айниқса, моделли аёл ва эркакларга мўлжалланган оёқ кийимлар нафақат кўркам, сифатли, чидамли, балки иқлим шароитимизга мослиги билан алоҳида ажралиб туради.

**(Давоми 2-бетда).**

## Қисқа сатрларда

● **КЕЧА** «Туркистон» саройида Тошкент тиббиёт академияси 1-босқич талабалари ва ўқитувчилар иштирокида «Талабаликка бағишлов» мавзуида тадбир ўтказилди.

● **КЕЧА** Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтида Тошкент Давлат юридик институти талабалари, ўқитувчилар, ҳуқуқшунослар иштирокида ўтказилган тадбир Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 60 йиллигига бағишланди.

● **ХАЛҚАРО** ҳамкорлик марказида республика ортопед ва травматологларининг VII съезди бўлиб ўтди.

● **ЎТГАН** куни Республика Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ҳамкорликларида бир ой мобайнида мамлакатимизда, хусусан шаҳримизда ташкил этилган «Тоза ҳаво» акцияси якунланди.

*(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).*

## ДИПЛОМАТЛАР ТОШКЕНТ ҲАҚИДА

ТИНЧЛИК ВА ДЎСТЛИК РАМЗИ 2200 2009 ТОШКЕНТ

**Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан Шарқнинг маърифат бешиги сифатида довруғ қозонган кўплаб қадимий шаҳарларимиз янги қиёфа касб этди. Кўҳна кентларимиз ободонлаштирилиб, улардаги меъморий ёдгорликлар таъмирланди, янги замонавий иншоотлар барпо этилди. Самарқанд, Бухоро, Хива, Термиз, Шаҳрисабз, Қарши, Марғилон каби шаҳарларимизнинг қутлуғ тўйлари халқаро миқёсда нишонланди. Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 2 апрелда қабул қилинган “Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарорига асосан пойтахтимиз юбилейига тайёргарлик ишлари қизғин давом этмоқда. Тошкент таровати, муҳташам иншоотлари, гўзал табиати ва сўлим боғлари ҳар қандай кишини мафтун этади.**

**ЎзА мухбири мамлакатимизда фаолият юритаётган дипломатик корпус вакилларининг айримларининг таассуротлари билан қизикди.**

**(Давоми 2-бетда).**

ДИҚҚАТ, ОБУНА !

Тошкент оқшоми — Вечерний Ташкент

2008 йил 8 сентябрдан 2009 йил учун Республика нашрларига обуна қабули бошланди. Обунани шаҳарнинг барча алоқа бўлимларида ва бошпочтамтда расмийлаштиришингиз мумкин.

Сизни қизиқтирган саволлар бўйича 233-47-49, 233-73-56 телефонлари орқали тўлиқ маълумот олишингиз мумкин. «Тошкент почтамти» маъмурияти

## XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● **Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» Ижтимоий Ҳаракати марказий кенгашида Пекинда бўлиб ўтган XXIX Олимпиада ўйинлари ғолиб ва совриндорлари билан ёшларнинг учрашуви бўлиб ўтди.**

● **Наманганда «Одам савдосини бартараф этишнинг ташкилий ҳуқуқий муаммолари» мавзуида минтақавий конференция бўлиб ўтди.**

● **Булунғур туманидаги Килдон кўрғонида «Коинот СГМ» электрон автомат телефон станцияси ишга туширилди. 208 абонентга мўлжалланган мазкур станциянинг ишга туширилиши аҳолининг ўз уйларида шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувларни амалга ошириши, Интернет тармоғига уланиши имкониятини берди.**

● **«Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида Навоий шаҳрида «Ёш оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлайдиган энг намунали маҳалла» кўрик-танловининг вилоят босқичи якунига етди.**

● **«Камолот» Ёшлар Ижтимоий Ҳаракати Самарқанд вилояти бўлими ташаббуси билан Регистон майдонида шаҳардаги умумтаълим мактаблари ўқувчилари иштирокида «Обод шаҳрим — менинг фахрим» акцияси бошланди.**

● **Хазорасп тумани марказидаги «Мустақиллик боғи»да минг ўринга мўлжалланган амфитеатр фойдаланишга топширилди.**

● **Жорий йил сентябрь-ноябрь ойларида Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси ва Гёте институти юртимиздаги бир қатор жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда «Ўзбекистонда немис маданияти кунлари»ни ўтказади.**

● **Ангор туманидаги 40-мактаб ўқувчилари янги ўқув йилини замонавий бинода бошладилар. Мазкур ўқув масканида ўғил-қизларнинг билим олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган.**

● **Андижон вилояти Жалақудуқ тумани Ёрқишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида бунёд этилган «Алёртекс» Ўзбекистон — АҚШ— Россия қўшма корхонаси ўз маҳсулотларини ишлаб чиқармоқда. Йилига беш минг тоннадан ортиқ калава ип ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган ушбу корхонада 300 нафардан зиёд ёшларга иш ўринлари яратилди.**

● **Марғилон шаҳридаги «Тўёна» Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонасида янги ишлаб чиқариш биноси қурилиши қизғин олиб борилмоқда. Ушбу қўшимча корхона замонавий комьютерлашган хорижий технологик линиялар билан жиҳозланиб, янги иш ўринлари яратилади.**

### ЖАҲОНДА

● **Польша 2011 йилда евро пул бирлиги ҳудудига кириши ҳақида республика бош вазири Дональд Туск расмий маълум қилган. Унинг сўзларига кўра, Еврозонага кириш осон кечмайди. Бироқ, Польшада бунга имкониятлар мавжуд.**

● **Россия пойтахти Москва кўчаларидаги барча пуллик автомобиль тўхташ жойлари фаолиятига чек қўйилди. Шаҳар маъмуриятининг бу борадаги махсус қарорига кўра Москва аэропортлари ва вокзаллари атрофидаги пуллик тўхташ жойларидан ташқари шаҳардаги барча бу турдаги хизмат кўрсатиш бекор қилинади.**

● **Боливия Президенти Эво Моралес АҚШ элчиси Филип Голдбергни мамлакатда расмий вакилликдан четдаги шахс деб эълон қилди ва ташқи ишлар вазирлигига АҚШ элчисини мамлакатдан тезроқ чиқариб юбориш чорасини кўришга буйруқ берган. Давлат раҳбарининг сўзларига кўра, Филип Голдберг мухолифатчиларни турли йўллар билан қўллаб келмоқда.**

● **Покистоннинг шимоли-ғарбидаги Дир туманида мудҳиш қўпорувчилик содир этилди. Туманнинг Афғонистон билан чегарадош Банай қишлоғидаги масжидга бир гуруҳ жангариларнинг граната ва гранатомёт билан ҳужуми оқибатида 25 нафар киши ҳалок бўлиб, 50 нафари оғир тан жароҳати олган.**

● **Ҳиндистоннинг «Tata Motors» компанияси мини автомобиль ишлаб чиқаришга ихтисослашган заводини қуришни қайта бошлаб юборди.**

● **Россияда алкоголсиз қувватни оширувчи (энергетик), тонусни яхшиловчи ва кучсиз алкоголли ичимликларнинг ишлаб чиқарилиши ҳамда савдоси чекланиши мумкин. Айни дамда Давлат думасида бу борадаги янги қонун лойиҳаси кўриб чиқилмоқда.**

● **АҚШда ишсизлик даражаси охирги беш йил ичида энг юқори натижага етмоқда. Мамлакат меҳнат вазирлигининг тарқатган маълумотига кўра, август ойида ишсизлик даражаси 6,1 фоизни ташкил этган. Ушбу кўрсаткич июль ойида 5,7 фоизни қайд этган эди.**

● **Замонавий физика фанининг асосчиси Альберт Эйнштейннинг оддий қўл соати Нью-Йорк аукционида сотувга қўйилди. Аукцион маъмурлари физик олим севимли соатининг дастлабки нархини 30 минг АҚШ доллари деб баҳолаган.**

● **Шу кунларда «Пекин — 2008» Олимпиадаси ўтган майдонларда спортнинг 21 тури бўйича қўшимча Олимпиада ўйинлари бўлиб ўтмоқда. 148 мамлакатдан имконияти чекланган спортчиларни жамлаган бу ўйинлар «Наочао – Куш уяси» стадионида тантанали суратда очилди.**

# ХАЛҚНИНГ ИШОНЧИ ВА ҒАЙРАТ-ШИЖОАТИ — ЎЗБЕКИСТОН ОЛДИДА ТУРГАН УЛКАН ВАЗИФАЛАРНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ АДО ЭТИШНИНГ КАФОЛАТИ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг юртимиз мустақиллигининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи хорижий мамлакатларнинг таниқли давлат арбоблари ва ижтимоий-сиёсий доиралари вакиллари томонидан атрофлича шарҳланмоқда.***

Жумладан, **Корея Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бош котиби, вазир Чо Жунг-Пё** бу хусусда тўхталиб, иккита жиҳатга алоҳида эътибор қаратди.

«Биринчидан, - деди кореялик сиёсатчи, — Ўзбекистон Президент Ислом Каримов раҳбарлигида тарихан қисқа давр ичида ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий соҳаларда туб ўзгаришларни амалга оширди. Катта табиий заҳиралар ва инсон салоҳиятига эга бўлган Ўзбекистонда пухта ўйланган миллий тараққиёт стратегияси туфайли кенг диверсификацияланган кўп тармоқли иқтисодиёт яратилди. Ривожланишнинг бу каби жадал суръатларига жаҳоннинг кўплаб давлатлари ҳавас қилиши мумкин.

Иккинчидан, Ўзбекистоннинг меҳнатсевар ва меҳмондўст халқи ота-боболаридан бой маънавий ва маданий анъаналарни мерос қилиб олган бўлиб, унинг сўнмас иродаси ва матонати ана шу муваффақиятларнинг негизидир.

Тажрибали раҳбар ҳамда куч-ғайратга тўла, интилувчан халқ — Ўзбекистон олдида турган улкан вазифаларнинг муваффақиятли бажарилиши кафолати, яқин келажакда иқтисодиёти тараққий этган, бой маънавият ва маданиятга эга бўлган фаровон мамлакатга айлантиришнинг гарови ҳамдир».

**Корея Республикаси миллий ассамблеяси собиқ спикери Ли Ман-Соп**нинг таъкидлашича, сўнгги йилларда Ўзбекистон жадал суръатли иқтисодий ўсиш, демократия ва кўп партиявийлик асосларини мустаҳкамлаш, халқ фаровонлигини ошириш борасида янги-янги ютуқларни қўлга киритмоқда.

«Ушбу жиҳатлар давлат раҳбарининг ҳажм жиҳатидан ихчам, бироқ маъно-мазмун жиҳатидан ниҳоятда кенг бўлган табрик сўзида ўз ифодасини топган, — дейди у. — Президентнинг нутқи нафақат қўлга киритилган муваффақиятларга баҳо беришга, балки халқни ривожланган, бозор иқтисодиётига асосланган демократик давлат қуриш борасидаги янги ва кенг қамровли вазифаларни ҳал қилишга сафарбар этишни назарда тутади.

Президент Ислом Каримовнинг маърузасини ҳеч муболағасиз кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтишнинг яқин истиқболдаги «ҳаракат дастури» деб аташ мумкин. Ушбу дастур бошланган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва босқичма-босқич давом эттириш, иқтисодиётнинг барқарор тараққиётини таъминлаш, аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини кучайтириш, нодавлат жамоат ташкилотлари мақомини юксалтириш ва бошқа вазифаларни қамраб олади. Буларнинг барчаси Ўзбекистон Президенти томонидан илгари сурилган ғоя ва ташаббуслар чуқур ўйланганини яна бир бор тасдиқлайди.

Мен Президентнинг ёш давлатни шакллантиришдаги энг мураккаб давр ортда қолгани ҳақидаги фикрига қўшиламан. Айни пайтга келиб Ўзбекистонда демократик ва бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш, қонунчиликни янада либераллаштириш, мамлакатнинг халқаро майдондаги нуфузини ошириш борасида Президент томонидан қўйилган кенг кўламли вазифаларни ҳал қилишга қодир бўлган сифат жиҳатдан мутлақо янгича дунёқарашли одамлар ва иқтисодий салоҳият шаклланди».

**Брюссель Эркин университети фахрий профессори Жан Бланкофф**: «Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон ўз мустақиллигининг бошидаёқ тараққиётнинг тўғри йўлини танлангани ҳақидаги фикрига тўлиқ қўшиламан. Эски ақидалардан воз кечиб, янгича фикрлаш мамлакатда демократик ўзгаришлар ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни жадал суръатда амалга ошириш имконини берди. Ўзбекистонда амалга оширилган ислоҳотлар миқёси кўплаб давлатлар учун намуна бўлиши мумкин. Тарихан қисқа давр ичида республика ўз иқтисодиётини пахта яккаҳокимлигидан ривожланган саноат тизимига ўтказибгина қолмай, балки энг илғор давлатларники билан қиёслаш мумкин бўлган ўсиш суръатини таъминлай олди.

Шу билан бирга Ўзбекистоннинг халқаро алоқалар соҳасидаги ютуқлари юксак баҳога лойиқ. Бинобарин, республика халқаро ҳамжамият аъзолари орасида ўзининг муносиб ўрнини эгаллаб, кўплаб мамлакатлар билан тенглик ва ўзаро манфаатдорлик асосидаги муносабатларни ривожлантирмоқда».

**Бельгиянинг Левен-Ла-Нев университети профессори Ж.Мишел**нинг таъкидлашича, сўнгги 17 йилда Ўзбекистон сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда тизимли ва изчил ўзгаришларни амалга ошириш йўлидан шаҳдам одимламоқда.

«Ўзбекистонда ижтимоий ва ҳуқуқий соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар Бельгия илмий ва саноат доиралари вакилларида узоқни кўзлаган ва чуқур ўйланган сиёсатнинг муҳим жиҳатлари сифатида баҳоланмоқда. Бу эса Ўзбекистонга жадал ривожланаётган давлат ва ишончли шерик сифатида қараш имконини бермоқда», — дейди бельгиялик олим.

**Италиянинг Осиё ва Ўрта ер денгизи мамлакатлари институти бош котиби, «Италия — Ўзбекистон» дўстлик ва ҳамкорлик ассоциацияси котиби Антонио Локке:**

«Президент Ислом Каримовнинг табрик сўзини катта қизиқиш билан ўқиб чиқдим ва Ўзбекистон томонидан мустақил тараққиётнинг 17 йилида қўлга киритилган натижаларни мамнуният билан таъкидлайман.

Президент мамлакат иқтисодий ва саноат жиҳатидан ўсаётгани, ундаги ижтимоий юксалиш, Ўзбекистоннинг жаҳондаги сиёсий нуфузи ошиб бораётганини фахр билан қайд этди.

Маърузада Ўзбекистон тараққиётининг узоқ муддатли истиқболига ҳам катта эътибор қаратилган. Шу маънода бу жараёнларда ёш авлодга алоҳида аҳамият қаратилаётгани қувонарли ҳолдир.

Шу ўринда Ўзбекистон раҳбарияти ўтган йиллар давомида ишлаб чиқилган тараққиётнинг устувор дастурларини ҳаётга татбиқ этишда давом этаётганига диққат қаратмоқчиман. Ушбу лойиҳалар яқин келажакда ўз самарасини беришига ишончим комил».

**Миср Миллий-демократик партиясининг ёшлар қаноти вакили Ала Жобир**нинг фикрича, Ўзбекистонда ёш авлод учун кенг имкониятлар яратиб берилаётгани баробарида 2008 йил «Ёшлар йили» деб эълон қилингани рамзий маъно касб этибгина қолмай, балки кўплар учун ўрнак бўлиб хизмат қилиши мумкин.

«Ёшларнинг мустақил ҳаётга кириб келиши, жамиятда ўз ўрнини топиши йўлида уларга ҳар томонлама кўмак берилаётгани оқилона ва тўғри қарордир. Келажакка йўналтирилган бундай сармоя албатта, ўз самарасини беради», — деди мисрлик ёш сиёсатчи.

**Қирғизистон жамоат академияси раҳбари Д.Жапаров** Ўзбекистон раҳбари ўтган 17 йилда мамлакат томонидан эришилган ютуқларни чуқур таҳлил қилганига эътибор қаратди.

«Президент Ислом Каримовнинг маърузасидан шуни билиб олсак бўладики, Ўзбекистонда қилинган ва қилинаётган барча ишлар мамлакат фуқароларининг манфаатларига йўналтирилган. Истиқлол йилларида Ўзбекистон энг катта ютуқ — ижтимоий йўналтирилган, инсон манфаатларига хизмат қилувчи бозор муносабатлари асосларини шакллантиришга эришди. Бу эса жамият ҳаётининг барча жиҳатларини, аввало, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига дахлдор бўлган соҳаларни демократлаштириш ва ниҳоят, Ўзбекистон нуфузининг халқаро майдонда кенг эътироф этилиши демакдир. Бугунги кунда Ўзбекистон ташқи ва ички сиёсатни мамлакат миллий манфаатлари ва умум инсоний қадриятларга асосланган ҳолда амалга ошираётганига ҳеч кимда шубҳа йўқ».

**Қирғизистонлик мустақил эксперт Л.Бондарец** Ўзбекистон Президентининг маърузаси ижтимоий соҳадаги туб ўзгаришлар, миллий иқтисодиёт ривожидаги эътиборга молик кўрсаткичлардан далолат берувчи маълумотларни ўзида мужассам этганига эътибор қаратди.

«Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларидаги асосий ютуғи макроиқтисодий барқарорлик, иқтисодиётдаги туб ўзгаришлар, жиддий ва пухта ўйланган ижтимоий сиёсатни амалга оширишда намоён бўлмоқда», — деди эксперт. Унинг қайд этишича, «Ўзбекистонда бутун давлат ва жамият ҳаёти, иқтисодий ислоҳотлар, демократик ўзгаришлар ягона мақсад сари — аҳолининг турмуш даражасини мунтазам равишда ошириб бориш ва мамлакат қудратини юксалтиришга қаратилган».

**«Жаҳон» АА**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНИНГ 11 СЕНТЯБРЬ КУНИ БЎЛИБ ЎТГАН НАВБАТДАГИ МАЖЛИСИДА ЎЗБЕКИСТОНДА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ҚОНУНЧИЛИК БАЗАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАСИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ.**

Ахборот-коммуникация технологиялари саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш каби замонавий тармоқлар тараққиётида, хизмат кўрсатиш, хавфсизликни таъминлаш, ижтимоий соҳалар, илм-фан ва техникани ривожлантиришда муҳим ўрин тутади. Ҳозирги кунда жамиятни юқори технологияларсиз, компьютерларсиз, глобал тармоққа уланмасдан ва ахборот ресурсларидан фойдаланмасдан ривожлантириб бўлмайди. Улар ижтимоий ҳаётнинг ажралмас қисми ва мамлакат тараққиётининг мезонига айланмоқда. Ушбу стратегик соҳанинг муҳимлигидан келиб чиққан ҳолда, унинг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш долзарб вазифа ҳисобланади. Шуни ҳисобга олиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси Ўзбекистонда ахборот-коммуникация технологияларининг ҳозирги ҳолати ва уларни ривожлантириш истиқболлари масалаларига бағишланди.

Мустақиллик йилларида мамлакат Президенти Ислом Каримов томонидан ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилгани боис мазкур соҳа жадал ривожланмоқда. Бу эса ушбу соҳанинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улушини кўпайтириш ва уни хорижий ҳамда мамлакатимиз инвесторлари учун янада жозибадор қилиш имконини берди. Алоқа ва ахборот технологияларини ривожлантириш соҳасига жалб қилинган хорижий инвестициялар миқдори сўнгги беш йилда 593,5 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Тармоқнинг барқарор ва мутаносиб ривожланиши натижасида 2008 йил давомида корхоналар даромади ўтган йилга қараганда 58,5 фоизга кўпайди. Телекоммуникация тармоғининг ривожланиш даражасига мобиль алоқанинг кўламига қараб ҳам баҳо бериш мумкин. Бугунги кунда Ўзбекистонда мобиль алоқа абонентлари сони 10 миллиондан ошди.

Ихтисослашган илмий-техника зоналари тармоғини барпо этиш, ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик фаолиятига юқори технологияларни самарали жорий этиш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида ахборот технологияларини қўллашни кенгайтириш, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларга кўрсатиладиган интерфаол хизматлар ҳажмини ошириш, кадрлар тайёрлаш сифатини яхшилаш, мамлакат ахборот хавфсизлиги тизимини мустаҳкамлаш, электрон ҳужжат айланиши механизмини такомиллаштириш Ўзбекистонда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларидир.

Мажлисда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш муаммолари ҳақида ҳам сўз юритилди. Ушбу соҳадаги қонунлар ва қонуности ҳужжатлари ижросини таъминлаш, “Шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш долзарблиги, “Алоқа тўғрисида”ги, “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги қонунлар ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалалар муҳокама этилди. Шунингдек, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги қонун ижодкорлиги фаолиятининг истиқболли йўналишлари ҳам белгилаб олинди.

Қонунчилик палатаси мажлисида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, бошқа вазирлик ва идоралар, ахборот-коммуникация соҳасидаги муассаса ва ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.

Депутатлар томонидан берилган саволларга батафсил ва аниқ жавоблар қайтарилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси мажлис якунлари бўйича тегишли қарор қабул қилди. Ушбу қарорда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришни қонун йўли билан таъминлаш палатанинг устувор вазифаси эканлиги белгиланди. Қонунчилик палатасининг тегишли қўмитасига мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришни таъминлашга қаратилган қонун ижодкорлиги ишлари дастури лойиҳасини тайёрлаш ва кўриб чиқиш учун киритиш вазифаси топширилди.

**(ЎзА)**

# ДИПЛОМАТЛАР ТОШКЕНТ ҲАҚИДА

ТИНЧЛИК ВА ДЎСТЛИК РАМЗИ 2200 2009 ТОШКЕНТ

***(Давоми. Боши 1-бетда).***

**Цутому ХИРАОКА, Японияning Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:**

— Ўзбек заминига илк бор қадам қўйганимда Тошкентнинг гўзал табиати, ранг-баранг гулзорлари ва боғлари мени ҳайратга солган эди. Бу ердаги сўлим гўшалар, замонавий ва қадимий-миллий услубни ўзида мужассам этган кўркам иншоотлар, равон йўллар ҳар қандай кишини ўзига мафтун этади. Мамлакатингизда шаҳар инфратузилмасини янада такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари таҳсинга лойиқ.

Тошкентнинг 2200 йиллик тўйига бағишлаб ўтказилаётган кенг кўламли ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари бу қадимий шаҳарнинг янада гуллаб-яшнаши, унинг кўркига-кўрк, чиройига-чирой қўшишига ишонаман.

**Муҳаммад Ал МЕҲАИРБИ, Бирлашган Араб Амирликларининг Ўзбекистон Республикасидаги Бош консули:**

— Юртингизда изчиллик билан амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари кўлами кенг ва самаралари ҳайратланарлидир. Мамлакатингиз кун сайин чирой очмоқда. Миллий ва замонавий услубни ўзида мужассам этган кўркам иншоотлар тобора кўпаймоқда. Менга, айниқса, пойтахтингиздаги тарихий обидалар ва меъморий ёдгорликлар жуда ёқади. Ҳазрати Имом мажмуининг қисқа фурсатда янгидан бунёд этилганига ўзим гувоҳ бўлдим. Кўҳна обидаларнинг моҳирона услубда таъмирлангани ва нозик дид билан безатилгани, ўйлайманки, ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди.

Она табиат юртингизга беназир гўзаллик ва ажойиб иқлим инъом этган. Бу ерда тўрт фаслнинг ҳар бирини ўз вақтида, бутун зеб-зийнати ва хусусиятлари билан кўриш мумкин. Мен мамлакатингиз тоғларида кўп бўлганман. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда ёзги ва қишки сайёҳлик, экотуризм, маърифий ва жисмоний саёҳатлар жадал ривожланмоқда. Буларнинг барчаси сайёҳларнинг қизиқишини тобора ошираётир.

Ўзбекистон ислом дини, маданияти ва тафаккури чуқур ўрганиладиган бағрикенг мамлакатдир. Юртингизда яшаб, ижод қилган Имом Бухорий, Имом Термизий, Абу Райҳон Беруний, Мирзо Улуғбек каби улуғ алломалар дунё илм-фани ва ислом маданияти ривожига улкан ҳисса қўшганлар. Тошкент дунёнинг ҳар томонлама ривож топган энг гўзал шаҳарларидан биридир, дейишга барча асослар бор.

**Одил Муҳаммад Абдурасул Ҳасан ҲАЁТ, Кувайт Давлатининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:**

— Тошкентнинг 2200 йиллигини нишонлашга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Пойтахтингизнинг қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгариб, кўркамлашиб бораётир. Айниқса, Мустақиллик майдони ҳар қандай кишининг қалбини қувончга тўлдиради. Мазкур бетакрор гўшадаги ям-яшил майдон, тилларанг ва оппоқ мўъжизавий бинолар кишида эзгу ҳиссиётлар уйғотади. Истиқлолингиз рамзи бўлмиш ушбу муаззам майдон пойтахтингиздаги энг серфайз масканлардан биридир.

Тошкент — ҳар томонлама ривож топган гўзал шаҳар. Халқингиз мустақилликка эришгач, мамлакатингизда қисқа давр ичида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Неча асрлардан буён ўз меъморий обидалари, алломалари, хушмуомала ва меҳмондўст одамлари билан барчани ҳайратга солиб келаётган ушбу шаҳар келажакда ҳам ана шундай, жаҳоннинг энг йирик маданият ва маърифат марказларидан бири бўлиб қолишига қатъий ишонаман.

**Сканд Ранджан ТАЙАЛ, Ҳиндистон Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:**

— Тошкентнинг 2200 йиллик тўйига катта тараддуд кўрилаётганига гувоҳман. Пойтахтингиз кун сайин ўзгариб, чиройига-чирой қўшилиб, янада мафтункор шаҳарга айланиб бормоқда. Тошкент ям-яшил боғларга, унутилмас таассурот қолдирадиган улкан иншоотларга бой бўлган хушманзара яшил шаҳардир. Бу ерда амалга оширилаётган мислсиз бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари Тошкентни янада гўзаллаштиради.

**ЎзА мухбири
Нодира МАНЗУРОВА
ёзиб олди**

# ТАНЛОВГА МАРҲАМАТ

**ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ 2200 ЙИЛЛИГИНИ ПОЙТАХТИМИЗНИНГ ЮКСАК НУФУЗИ ВА МАВҚЕИГА МУНОСИБ РАВИШДА НИШОНЛАШ, УНИНГ ДУНЁ МИҚЁСИДАГИ ОБРЎ-ЭЪТИБОРИНИ ЯНАДА ОШИРИШ, ХАЛҚИМИЗ, АЙНИҚСА, ЁШЛАРИМИЗ ҚАЛБИДА ВАТАНГА МУҲАББАТ ВА САДОҚАТ ТУЙҒУСИНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ МАҚСАДИДА**

**ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ, ЎЗБЕКИСТОН ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ, ЎЗБЕКИСТОН ТАСВИРИЙ САНЪАТ ГАЛЕРЕЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲРИГА БАҒИШЛАНГАН ТАСВИРИЙ САНЪАТ АСАРЛАРИ ЯРАТИШ БЎЙИЧА**

## ОЧИҚ ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

*Танловда ўзбекистонлик ва хорижлик рассомлар иштирок этишлари мумкин.*

**Номинациялар:**

1. *Тошкентнинг афсона ва ривоятлари.*
2. *Тошкентнинг тарихий обидалари.*
3. *Замонавий Тошкент.*
4. *Тошкентликлар образлари.*
5. *Тошкент – анъана ва маданиятлар чорраҳаси.*
6. *Хорижлик ижодкорнинг Тошкентга бағишланган сара асари.*

**Танловда иштирок этадиган ишлар багетларда қабул қилинади.**

**Рангтасвир асарларнинг катта томони 100 см.дан ошмаслиги керак.**

**Энг сара асарлардан ташкил топган кўргазма 2009 йил январь-май ойларида ЎзТСГда бўлиб ўтади.**

**Мавзуни энг яхши акс эттирган 10 та асар ЎзТСГ фондига сотиб олинади.**

**Энг яхши асарлар Ўзбекистон Бадиий академиясининг медаль, дипломлари ва ЎзР ТИФ Миллий банкининг қимматбаҳо совғалари билан тақдирланади ҳамда кўргазма каталогидан ўрин олади.**

Қўшимча маълумот учун тел: 233-97-23; 233-56-74, Факс: 233-77-65.

Танлов муддати: 2008 йил 31 октябрига қадар қабул қилинади.

Ишлар Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси, 2-уй, ЎзТГСда қабул қилиб олинади.

# БУЮРТМАЛАР КЎПАЙМОҚДА

***(Давоми. Боши 1-бетда).***

Жамоамиз аҳли асосан ҳарбийлар учун ва махсус пойабзалларни буюртма асосида ишлаб чиқаради. Бунинг учун эса республика, шаҳар миқёсида ўтказиладиган тендерларда ўзимизнинг янги моделларимиз билан иштирокимиз қўл келмоқда. Яқинда пойтахтимизда ўтказилган савдо-кўргазма, ярмаркаларда ҳам янги турдаги рақобатбардош маҳсулотларимиз билан қатнашдик. Бу ўз навбатида келгусидаги истиқбол режаларимизни амалга оширишда, яъни буюртмачиларимиз кўпайишида катта аҳамият касб этади. Юртимиздаги ҳарбий хизмат идоралари, ташкилотлар асосий буюртмачиларимиз ҳисобланади.

Ушбу корхона жамоасига баракали меҳнат қилишлари учун барча шарт-шароит яратилган, уларнинг буюртмаларни сифатли ва ўз вақтида тайёрлаб беришида цехларга ўрнатилган энг замонавий хорижий, юксак унумли технологик линиялар, дастгоҳ ва ускуналар ҳақиқий мададкор бўлмоқда.

Эътиборли томони, «VISO» маҳсулотлари мамлакатимиз пойабзалчилари билангина эмас, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги соҳадошлари билан бемалол рақобатлаша олади ва асосийси сифатли пойабзаллар нисбатан арзон ва қатор афзалликларга ҳам эга. Хусусан, мавсумий: ёзги, қишки оёқ кийимлари иқлимий инжиқликлар тўла ҳисобга олинган ҳолда, яъни экологик тоза хом ашёдан ишлаб чиқарилади.

Корхона жамоасининг асосий қисмини ёшлар ташкил қилади. Улардан кўпчилиги тажрибали, қўли гул ҳамкасбларидан ибрат олган ҳолда меҳнат қилиб, қўлда бажариладиган буюртмаларни ҳам қойилмақом қилиб уддалашмоқда.

Қувонарлиси, жорий йил охиригача касаначилик асосида доимий банд бўлмаган кўплаб фуқароларга янги иш ўринлари яратилиши жамоанинг қатъий режасига киритилган.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**

**СУРАТДА: қўшма корхона пойабзалчилари фаолиятидан лавҳа**

**Ҳакимжон Солиҳов олган сурат**

# МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ, АЗИЗ ЎҒИЛ-ҚИЗЛАРИМИЗ!

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бир қатор мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда Сизларни шу йил 23-24 сентябрь кунлари пойтахтимизнинг ҳар бир туманида ташкил этилаётган бўш иш ўринлари ярмаркасига таклиф этиб, касбингиз, мутахассислигингиз ёки қизиқишингиз бўйича ўзингизга маъқул бўлган ишга йўлланма олишингизни истаб қолади.**

Яхши маълумки, Президентимиз томонидан Сиз, ёшларнинг мукаммал таълим-тарбия олишингиз, ўз қизиқишингиз ва лаёқатингиз бўйича касб-ҳунар эгаллашингизга яқиндан кўмаклашиш, зарур шарт-шароит ва имкониятлар яратишга алоҳида эътибор қаратиб келинаётир.

2008 йил "Ёшлар йили" деб эълон қилиниб, бу борадаги татбиқ этилаётган Давлат дастурида, хусусан, юқоридаги мақсадларни амалга ошириш йўлида олий ўқув юртлари, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари, маҳаллаларда банд бўлмаган ва ишлаш истагини билдирган аҳолини иш билан таъминлаш масалаларини ҳал этиш устувор йўналиш қилиб белгиланган.

Шунга мувофиқ ёшларни, айниқса битирувчиларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида 2008 йилнинг март ойида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Олий ва ўрта таълим вазирлиги ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан "Касб-ҳунар коллежларини 2007-2008 ўқув йилида битирувчиларини иш билан таъминлаш бўйича чора-тадбирлар" тасдиқланди. Ушбу ҳужжат асосида туманлар ва шаҳар бўйича яратилаётган янги ва бўш иш ўринлари тўғрисидаги маълумотлар барча касб-ҳунар коллежларига тақдим этилиб, ташкил этиладиган ва квоталанган иш ўринларига жойлаштириш бўйича таклифлар ҳам ишлаб чиқилди.

Бу борадаги белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш бўйича Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар прокуратураси ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ташаббуси билан Тошкент шаҳар ҳокимининг 2008 йил 27 июндаги "Ёшларни иш билан таъминлаш меҳнат ярмаркасини ўтказиш тўғрисида"ги 481-сонли қарорига асосан жорий йилнинг 9-10 июль кунлари пойтахтимиздаги Бобур номли маданият ва истироҳат боғи ҳудудида шаҳар миқёсида бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди.

Ушбу тадбирга шаҳардаги 176 та корхона, ташкилот ва муассасалар қатнашиб, мавжуд 11 мингдан зиёд бўш иш жойлари ҳамда имкониятларини кўргазмали равишда намойиш этди. Ярмаркага 21.845 нафар ёшлар жалб этилиб, шундан 14.525 нафарини — касб-ҳунар коллежлари битирувчилари, 2.800 нафарини олий ўқув юртлари битирувчилари ва 2.414 нафарини бошқа банд бўлмаган аҳоли қисми ташкил этди. Якуний натижаларига кўра, мазкур ярмаркада 13.954 нафар ёшлар рўйхатга олиниб, 6.866 нафари (49,2 фоизи)га қизиқтирган ишлари бўйича йўлланмалар берилиб, шу кунгача 6.107 нафари доимий иш билан таъминланди.

Шу қаторда амалга оширилган саъй-ҳаракатлар натижасида жорий йилда йигитлик бурчини адо этиб, Қуролли Кучлар сафидан заҳирага бўшатилган 604 нафар фарзандларимиздан 559 нафарининг бандлиги таъминланди. Хусусан, уларнинг 216 нафари ҳарбий хизмат даврида қўлга киритган 25 фоизли имтиёз асосида олий ўқув юртларига кирган.

Ушбу йўналишдаги тадбирларни давом эттириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ноқонуний одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ, шунингдек Одам савдосига қарши курашиш бўйича Тошкент шаҳар Идоралараро комиссиясининг баённомасида туман ҳокимликлари, бандлик хизматлари ва вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар, прокуратура органлари билан ҳамкорликда доимий равишда меҳнат ярмаркалари ўтказиб бориш бўйича белгилаб берилган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида 2008 йил 23-24 сентябрь кунлари туманлар миқёсида бўш иш ўрилари ярмакасини ўтказиш режалаштирилди. Ушбу тадбирда пойтахтимиздаги кўплаб корхона ва ташкилотлар 12 мингта бўш иш жойлари ва 5 мингдан ортиқ махсус квота иш ўринлари ва яратилган янги иш жойлари билан иштирок этади.

Ярмаркага авваламбор олий ўқув юртлари ва касб-ҳунар коллежларини битирган, лекин иш билан таъминланмаган ёшлар, шунингдек туман маҳаллаларида банд бўлмаган меҳнатга лаёқатли аҳоли вакиллари таклиф этилади.

Мазкур ярмаркаларни ҳам юқори савияда ташкиллаштиришга эришиш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар прокуратураси ва тегишли бош бошқарма билан ҳамкорликда аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди ва ишониб қоламизки, кутилган натижаларга албатта эришилади.

Яна бир бор, азиз ёшлар, барчангизни меҳнат ярмаркасига таклиф этиб қоламиз!

Қуйида 2008 йил 23-24 сентябрь кунлари соат 9.00 дан 16.00 гача Тошкент шаҳрида туманлар миқёсида ўтказиладиган бўш иш ўринлари ярмаркалари манзилларини келтириб ўтамиз.

**23 сентябрь куни**

**Учтепа тумани** – туман ҳокимлиги биноси, Фарҳод кўчаси. 21, **Мирзо Улуғбек тумани** – Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғи, Абдулла Қодирий кўчаси, 21. **Собир Раҳимов тумани** – туман ҳокимлиги биноси ёни, Қорақамиш кўчаси, 1. **Ҳамза тумани** – Авиасозлар саройи, Лисунов кўчаси, 2-мавзе. **Чилонзор тумани** – Ўзбекистон маданияти ва санъати кўргазмаси, Бунёдкор шоҳкўчаси, 2. **Шайхонтоҳур тумани** - Ўзбек Давлат цирки фойеси, Ғафур Ғулом кўчаси, 1. **Юнусобод тумани** - Ўзэкспомарказ, Амир Темур шоҳкўчаси, 107.

**24 сентябрь куни**

**Бектемир тумани** — «Астробод» гузари, Роҳат кўчаси. **Мирообод тумани** – Темирйўлчилар саройи, Амир Темур шоҳкўчаси. **Сергели тумани** – туман Бахт уйи, Янги Сергели кўчаси. **Яккасарой тумани** — «Қушбеги» мажмуаси, «Қушбеги» мавзеси.

**Тошкент шаҳар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси**

